

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил, 25 ноябрь, сешанба. Сотувда эркин нархда. № 239 (1756)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мамлакатимизда бир ҳафта давом этган Украина маданияти кунлари ниҳоясига етди. Мазкур санъат байрами халқларимиз эришган истиқлол боис мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларга янгича мазмун бахш этди ва дўстлик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилди.



Шодиёна кунлари украин маданият ва санъат арбоблари республикамиз шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, халқимиз ҳаёти билан танишди. Иқтисодий учрашувлар чоғида асрлар оша сайқал топган мушкетёр кўшиқчилиги, рақс ва бошқа санъат турларининг энг яхши намуналари намойиш этилди. Меҳмонлар Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимизда бўлиб, ўтмиш аждодларимиз заковатининг ҳайкаллари бўлмиш бетакрор метаморфоз ёдгорликларни кўриб, олам-



олам завқ-шавқ олдилар. Халқимиз уларни кўз қорачигидек асраб-авайлаётганига гувоҳ бўлдилар. Дўст мамлакат вакиллари ҳамма жойда ўзбекча меҳмондўстлик ва гуллар билан кутиб олинди. 22 ноябрь кунини пойтахтдаги муҳташам Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистонда Украина маданияти кунларининг ёпилишига ба-

Ўзбек халқининг турмуш тарзи, юксак маданияти, бетакрор санъати билан танишишга шараф яратиб берганликлари учун ташаккур билдирди.

— Биз жойларда ҳамкасбларимиз фаолияти билан, ўзбек маданиятининг янги қирралари билан танишишга муяссар бўлдик, — деди вазир: — Айни пайтда бизнинг санъатимиздан минглаб муҳлислар баҳраманд бўлди. Байрамнинг кўплаб тадбирлари телевидение орқали намойиш этилди. Шу маънода, мустақил давлатларимиз, халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик кўприги янада мустақамланди десак, муболаға бўлмас.

Ингилиш Ўзбекистон ва Украина санъат усталарининг катта концерти билан якунланди. Украина маданияти кунлари ёпилишига бағишланган тантанавда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизўжаев иштирок этди. (ЎЗА).

ДОЛЗАРЪ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Уни фракция раиси А. Йўлдошев бошқарди. Йиғилишда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бугунга: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини ўрганиш ва уни халқ оmmasи ўртасида кенг тарғиб этишда партия фаолларининг вазифалари муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг жуда катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган бу китобда давримизнинг энг муҳим масалалари теран таҳлил этилгани ва бундан бунёнги тараққиётимизнинг асосий йўналишлари белгилаб берилганини таъкидладилар. Шу боис, бу асар нафақат мамлакатимизда, балки кўплаб хорижий давлатларда чуқур ўрганилаётган.

Ингилишда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳам муҳокама этилди. Молия вазири Ж. Сайфиidinovнинг шу ҳақдаги маърузаси тингланди. Маърузада лойиҳани тузишда республикамизда ўтказилган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ва иқтисодийнинг муттаасил ўсишини таъминлаш ҳамда бозор иқтисодийнинг молиявий инфратузилмасини янада такомиллаштириш бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари бўлиб хизмат қилганлиги таъкидланди.

Муҳокама давомида келаси йил Давлат бюджети лойиҳаси асосан маъқулланди, уни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. (ЎЗА).

ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИ РИВОЖЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасида республика ҳукумати ҳузурида ишлаётган туризмни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш мажлиси бўлди.

Мамлакат Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегиниш қароридан белгиланган берилган вазифаларни бажариш асосида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш тадбирлари туғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлиси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, идоралараро кенгаш раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлис иштирокчилари «Ўзбектуризм» Миллий компанияси раиси Б. Хусанбоевнинг, шунингдек Хоразм, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимлари ўринбосарларининг кун тартибидagi масалаларга доир ахборотларини тингладилар. Тармоқда бозор ислохотлари талаблари асосида қайта қуриш, туризмни ривожлантиришнинг ишончли базаси ҳамда мамлакатга келган сەҳнатчиларга хизмат кўрсатиш сифатини

яхшилашга қаратилган инфратузилмани барпо этиш, халқаро туризмга доир нуфузли ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар қилинганлиги айтиб ўтилди. Шунга қарамай, тармоқ олдига қўйилган вазифалар тўла-тўқис бажарилиши йўқ, бозор иқтисодиёти шариоитида халқ ҳўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган туризмни ривожлантиришга тўқинли қилаётган кўп муаммолар ҳал этилмай қолмоқда. Мажлис иштирокчилари камчиликларни тезроқ тугатиш тадбирларини белгилادилар. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан аниқ тавсиялар ва ижрочиларга тегиниш топшириқлар берилди. Идоралараро кенгаш мажлисида Бош вазир ўринбосари А. Азизўжаев иштирок этди. (ЎЗА).

ҚАРЗЛАР ВАҚТИДА ТўЛАНСА...

Молия, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирликлари, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари ҳамда республиканинг бошқа муассасалари раҳбарлари ўртасида селектор орқали кенгаш бўлди. Кенгаши Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов бошқарди. Кенгаш иштирокчиларининг алоҳида эътибори мавжуд дебиторлик-кредиторлик муносабатларига қаратилди. Шу масалалар юзасидан масъул ходимларнинг ахборотлари тингланми, зарур қарорлар қабул қилинди. Қараларни ўз вақтида тўлаш одамларнинг фаровонлиги ҳамда йилни муваффақиятли якунлашни таъминлаш таъкидланди. (ЎЗА).

МАКРОИҚТИСОДИЁТ УФҚЛАРИ

Республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида ўтказилган макроиқтисодий сиёсат масалаларига бағишланган халқаро семинар ўз ишига яқин ясади. Республиканинг ҳукумати, Жаҳон банки ташаббуси ҳамда «Ной-Хау» жамғармаси (Буюк Британия) мадади билан ташкил этилган мазкур анжуманга бозор муносабатларига ўтиш муаммоларини хал қилишда ўз фикрларини айтиш учун даярли барча кўчалардан таникли иқтисодчилар ва молиячилар тўпланди. Ўзбекистон делегацияси ҳам кўп сонли бўлиб, унинг таркибида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва

статистика вазири Б. Ҳамидов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бўлими раиси Г. Саидова, молия вазири Ж. Сайфиidinov, Марказий банк раиси Ф. Муллажонов, Давлат солиқ қўмитаси раиси В.Беганов, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг раҳбарлари, Президент дивони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари бор эди. Анжуман иштирокчилари уч кун давомида макроиқтисодиётнинг асосий масалаларини, Ўзбекистонда мак-

роиқтисодиётнинг аҳоли ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Дастурий илмий маърузаларни муҳокама қилиш ва Фаол баҳслашиш чоғида жажон иқтисодиёти ва республикамиздаги ҳозирги вазият иқтисодий таҳлил этилиб, мамлакатимизда макроиқтисодий стратегияни шакллантиришда Ўзбекистон ва халқаро иқтисодий ташкилотлар ўртасида бундан бунёнги ҳамкорликнинг йўналиш ва воситаларни белгилан олинди. Халқаро мутахассисларнинг фикрига қараганда, ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган Ўзбекистон советлар давриндан сўнг издан чиққан иқтисодиётни йўлга қўймоқда. Бу ишда халқаро ташкилотлар давлатимизнинг иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўлидаги устуворликларни ҳисобга олиб, методик ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёрдир. Семинар ишида Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қирроллигининг Фавкулда ва Мухтор элчиси Барбара Логан Хей иштирок этди. (ЎЗА).

АЙЛАНДИ СОАТ МИЛЛАРИ

РАСМИЙ ХАБАР

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ
Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига Қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг пленуми бўлди, — деб хабар беради ЎЗА мухбири. — Уни Марказий Кенгаш раиси, генерал-майор Ж. Шоҳмардонов бошқарди. Пленумда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бугунга: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида ўртага қўйилган масалалардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Пленумда мазкур асарда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакат Куроли Қўрлари ва халқ ҳўжалиги учун техник мутахассислар тайёрлашни яхшилаш масалаларига муҳим эътибор берилганлиги таъкидланди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»МИ?

МУАММОНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БўЛМАЙДИ

— 20 йилдан бунён Юнусов тўманидagi «Юнусота» номли маҳалланинг «Шодлик» ўрамини истиқомат қилгани, — дейди Чингиз Махсумов. Айтсам, ишонасизми ёки йўқми, 18 ва 19-йиллар олдидagi ҳовли қирқлари уч ойдан бунён ёнмади. Сунурги темаганига ҳам шунча мўддат бўлди. Йўлаклар асфальт қилинмаган: ўнқир-ўнқир. Кимга мурожаат қилишимизни билмаймиз. Туман ҳокимлигига боравериб чарчадик. Кичкина нарса экан ва бу билан биз шуғулланмаймиз, деб мурожаатимиз эътиборсиз қолдирмасангизлар. Муаммонинг хатти-китоби бўлмайди-ку.

ХУММАТИ ТАҲРИРИЯТИ

НАВОЙИДА 50 СўМГА «НЕКСИЯ» БERAДИ

Жамоатчи мухбиримиз Парда Жумаевнинг ёзишича, Навоийда «Нексия»нинг нархи жуда арзонлашиб кетди. Бор-йўқ баҳоси 50 сўм. Қизғи шундаки, «Дамас», «Тик», видеомагнитофоннинг нархлари ҳам худди шундай. Фақат... ҳа, фақат кимки «Камолот» жамғармаси Навоий вилояти бўлимининг халқ билки билан ҳамкорликда чиқарган лотерейасини сотиб олса ва омади келиб, ютуқ чиқса... Кимгадир, ютуқ чиқшини, табиий, чунки келгуси йил 25-26 январь кунлари бўладиган ўйинга 105 минг донга ютуқ қўйилган. Аниқроғи, ҳар ўн лотерея соҳибининг биттасига омад кулиб боқадди.

КРИМИНАЛ

АЙЛАНМАДА БОШИ АЙЛАНДИ

Айланма йўллар орқали республикамиз ҳудудидан чиқиб кетишга чоғланган 84-55 ҚМС «Камас» юк машинасини бошқариб бораётган қозғистонлик Олимжон Мамедов чегарага яқинлашганда кўзларига ишонмади. Уни Тошкент вилоят божхоначилари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари «кутиб олишди». Машина текширилганда, унда салкам ярим миллион сўмлик ноқонуний юк — шакар борлиги маълум бўлди. Олимжоннинг айланма йўлда боши айланганга қарамай, юк менши эмас, деб оёқ тираб турибди. Божхоначилар эса суриштирувни бошлаб юборишди.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Тошкентда ТАСИСнинг «Хотин-қизлар ва демократия» лойиҳасини амалга ошириш ниҳоясига етганига бағишланган конференция йўш бўлди. Унда республикамизнинг барча вилоятларида илмий фаолият билан шуғулланувчи хотин-қизлар иштирок этмоқда. Бу лойиҳа мамлакатимизда Ўзбекистон хотин-қизларининг «Олима» уюммаси томонидан Буюк Британиядаги Билстон жамоат коллежи билан биргаликда йил бошидан бунён амалга оширилган эди.

Мазкур лойиҳа асосини «Жамиятда демократик янгилашиллар» деб аталган таълим курси ташкил этди. Тингловчилар билан машғулотлари Билстон коллежининг ўқитувчилари ўтказди. Бу машғулотлар бизнинг республикамиздагина эмас, Англияда ҳам ўтказилди. Курс тугаганидан сўнг тингловчилар Ўзбекистоннинг таълим марказларида шу курс бўйича ўқитиш ҳуқуқини берадиган халқаро сертификатларни олдилар. Анжуманда демократия биринчи навбатда ҳар бир шахсининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини билдириши таъкидланди. Демократияни ўрганишда таълимнинг аҳамияти жуда катта. Бизнинг мамлакатимизда эркак ва хотин-қизлар ҳар соҳада, жумладан, таълим олишда ҳам тенг ҳуқуққа эга. Бу ҳуқуққа мулк қадар кенг риоя этиш ва уни ҳар томонлама амалга ошириш

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

ЁРУҒЛИК СОЯДА ҚОЛМАЙДИ

Мухаммадали АБДУҚУНДУЗОВ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари.
ХАЛҚ ОВОЗИ БўЛИБ МАЙДОНГА ЧИҚКАЧ...
— «Халқ сўзи»нинг бирор сонини ҳам қолдирмай ўқийман. Бу йил мамлакатимиз маданий ҳаётига оид йиллик тадбирлар газетанингизда мунтазам ёритиб борилди. Оддий мисол, «Шарқ тароналари» кўрик танлови, унинг моҳияти, сунгра хулосалари «Халқ сўзи»да тўлиқ чоп этилди... Кунини кеаги Украина маданияти кунлари ҳақидаги материаллар, халқимиз орасида санъатимизни кенг миқёсда тарғиб қилганликларини учун тахририят ходимларидан миннатдоримиз. «Ўзбекистон Ватаним» республика кўрик-танлови ҳам кўнгидагидай ёритилди, ҳатто танлов гўлиблари ҳақида ҳозир ҳам мақолалар бериб бораётганига газетанинг сиёсий-ижтимоий мавзулар билан биргаликда маънавий-маърифий йўналишини ҳам тенг олиб бораётганидан далолатдир.
— Демак вазирлик газети билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозим.
— Албатта. Бу йил кўплаб ансамбллар хорижий давлатларга борди, ўз санъатини намойиш қилиб, бошқ халқларнинг ҳайратини оширди. Ҳамза театри Қоҳирада бўлиб ўтган фестивалда қатнашди. Худди шунингдек, Кува тумани «Анор» ансамбли ҳам Қоҳирада бўлиб ўтган танловда иштирок этди. Шу ўринда айтмоқчиманки, чет элларда бўлиб ўтган тури-туман кўрик-танлов-

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

ларда республикамиз санъаткорлари ҳам муваффақият қозонишяпти. Шулар ҳақида мунтазам чиқишлар қилиш керак... Баян биргаликда санъатимиз ютуқ ва камчиликларни акс этган саҳифа тайёрлаб боришимиз зарур.
— Шу ўринда менча ҳам таклиф бор.
— Бемалол.
— Дейлик, барча ансамблларнинг чет-давлатларга сафари, ютуқлари борасида тежорлик билан материаллар эълон қилиб бориш учун тахририятимиз мухбири ҳам ўша сафарда иштирок этиши лозим. Агар Маданият ишлари вазирлиги бу борада бирор хулосага келса, яъни, мухбиримизнинг ҳам ўша сафарда иштирок этишини маъмул жиҳатдан ўз зиммасига олса, бу муаммолар осонликча ҳал бўлади.
— Бу фикрингизга мен ҳам қўшилиман... Амалга оширсак арзийди.
— «Халқ сўзи»дан қўнгилигиз тўлаятими?
— Ҳа, чиндан ҳам халқнинг сўзи, элнинг овози бўлиб майдонга чиқиб осон эмас... Обуна давом этаётган шу кунларда барча маданият ходимлари «Халқ сўзи»га йиллик обуна бўладилар, албатта.

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

Убайдулла УСМОНОВ, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари.

ТАФАККУР ҚУЁШИ НУР СОЧАР...

— Газетани ҳаёт кўзуси, дейдилар. «Халқ сўзи»да ранг-баранг мавзудаги мақолаларни, таълим соҳасидаги муаммоларни ўқиб маълум бир хулосаларга келаман. Мамлакатимизнинг бутуни ва эртаси миллий калрлар салоҳитига боғлиқ. Шу сабабли «Таълим тўғрисида» Кўнун, Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг қабул қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Бу ҳужжатлар таълим соҳасидаги ислохотларга янада кенг йўл очди, албатта.
Ҳозир мамлакатимизда 60 дан ортиқ олий ўқув юрлари мавжуд. Уларда халқимизнинг ўғил — қизлари таълим олмоқда. «Халқ сўзи» саҳифаларида профессор-ўқитувчилар, ҳатто талабалар ҳам долзарб мавзуларда чиқиш қилаяптилар. Газетани доимий равишда ўқиб бораман. Илм-фан, умуминсоний қадриятларга, маънавий соҳаларга дахлдор мақолалар мени қизиқтиради.
«Шарқ тароналари» мавзусида Самарқанд шаҳрида ўтказилган анжуман, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларига бағишланган мақолалар ҳам газетонларга маъқул бўлди, деб уялайман.
Нима бўлганда ҳам «Халқ сўзи» — ҳақ сўз, у ўқинишли ва халқники бўлиб қолади, бу борада миллиятимиз ишончини оқлайди. Бунини кўпчилик газетонлар ҳис қилапти. Газета ўз ўқувчиларининг қалбига йўл топаётган, шубҳасиздир.
«Халқ сўзи» мухбири Кўчқор НОҚОБИЛ тайёрлади.

• КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ

Жамият тараққитининг барча босқичларида шахс ҳуқуқи ва унинг муҳофаза этилиши, авваломбор, шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ҳуқуқий ҳужжатларда қай даражада ҳимоя этилганлиги ва уларни самарали амалга оширишни таъминлашга йўналтирилган ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар билан чамбарчас боғлиқдир.

мурракб ҳодисадир. Чунки бундай муносабатлар, асосан, маънавий маромлари билан тартибга солинади. Бироқ шахсий ҳаёт доирасида вужудга келадиган муносабатларсиз ижтимоий муносабатларнинг амалга ошиши жуда ҳам қийин. Чунки давлат билан шахс ўртасидаги «ҳуқуқ ва масъулият» негизда шаклланди муносабатларни ўрнатмасдан туриб, ҳуқуқий давлатчиликнинг жорий этиши мумкин эмас. Бу ўз навбатида ҳокимият ва бошқарув идоралари билан муносабатларда шахснинг

ҳуқуқий воситаларини қўллаш самаралорлигини ошириш шахс ҳуқуқи ва эркинликлари ҳимоясини кучайтириш, мулкчиликни ривожлантириш, меҳнат ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш ҳамда ҳўжалик юритиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар мавжуд бўлса-да, лекин уларни татбиқ этишнинг самарали механизми шаклланимаганлиги ҳамда айрим шахс, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан лозим даражада ижро этилмалиги бу ҳуқуқий меъёрларни муҳофаза воситасига ҳар лозим ҳам айланмаётганлигига сабаб бўлмоқда.

ШАХС ҲУҚУҚИ

У ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ЭТИЛГАН?

Мустақил совет тузумида гарчи шахс ҳуқуқларининг ҳимоясига йўналтирилган конституцион мезонлар эълон қилинган бўлса-да, бироқ улардан фойдаланишнинг амалий механизми бўлмаганлиги учун шахснинг номулкий манфаатлари чегараланган эди. Шу боис шахснинг кадр-қимматини поймол этилиди, «ягона оила»даги миллат ва элатлар эркин тараққиёт ҳуқуқларидан маҳрум қилинди.

Жаҳон давлатчилик тажрибасидан маълумки, аслида, давлат мустақиллик мақоми ва ҳуқуқига эга бўлганлигидан тўлақонли қонунчилик тизимини яратиши мумкин. У ана шундангина умумэтироф этилган ҳуқуқ институтларини ижтимоий муносабатларга жорий қилади, тарихан шаклланди давлатчиликнинг миллий, иқтисодий, ижтимоий-маърифий ҳамда ҳуқуқий асослари негизда фуқаролар манфаатларини амалга оширади.

Мамалякатида мустақилликка эришилганидан кейин шахс ва жамият муносабатларини оидинлаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлайдиган, жамият тараққиёти ҳамда инсон турмуш тарзининг яхшиланishiга хизмат қилувчи қонунлар мажмуасини яратиш жараёни изчиллик билан амалга оширилади бошланди. Бир сўз билан айтганда, унинг том маънодаги пойдевори, замин яратилди. Айниқса, 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўзбек давлатчилиги тараққиётидаги буюк воқеа сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки бу ҳуқуқий ҳужжат умминсоний қадриятлар Ўзбекистон давлати манфаатларига, халқимизнинг маънавий-ахлоқий дунёқараши, аъёнларини ва урф-одатларига мос келишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Шу боис Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср

ҳуқуқий мавқеининг юқорироқ бўлишини назарда тутди. Ҳуқуқий давлат шахс манфаатларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос воситаси бўлиши, давлатчилик тизими эса жамият ва фуқаро эҳтиёжлари учун хизмат қилиши лозим. Шунинг учун ҳам айни пайтда маънавий жиҳатдан мукамал, шарқона миллий хусусиятларимиз ҳамда тафаккур тарзимизга мос ҳуқуқий маданиятга эга бўлган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғонни қосийини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш жамияти-мизнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Маълумки, жорий 1997 йил Президентимиз ташаббуси билан Инсон манфаатлари йилли деб аталди. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, инсон манфаатлари қамрови кенг ҳамда мунтазам давом этадиган жараёндир. Шахс ҳуқуқи муҳофазаси инсон манфаатларининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Шу боис инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.


Инсон манфаатларини фуқаролик ҳуқуқий воситалари билан ҳимоя қилишда унинг тур ва усуллари шахс манфаатларига қай даражада тўри келиш-келмастик тамойилига амал қилиш, яъни таянб қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бир шахснинг ҳуқуқини тиклаш иккинчи ва учинчи шахс манфаатларига зидан эътибор қилиш керак. Инсон манфаатларини муҳофаза этишда фуқаролик

Шу ўринда Олий Мажлис томонидан яқинда қабул қилинган Фуқаролик кодекси хусусида алоҳида тўхталмоқ лозим. Чунки у аввалги фуқаролик қонунчилигидан тубдан фарқ қилади. Унда шахс эҳтиёжи, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайдиган қоидалар аниқ белгилаб берилган.

Маъмур қоидалардан кўза тутилган мақсад эса, шахснинг жисмоний ва интеллектуал дахлсизлиги, мустақиллиги, фуқаро ва жамиятнинг бошқа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларини оидона ҳал этишни кафолатлаш ва таъминлашдан иборат. Бундай мустақиллик фуқарога эркинлик ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда шахсий ҳаёти сирларини ҳўриқлаш йўли орқали берилиши мумкин. Шу боис «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасида суд фуқаронинг шаъни ва қадриятларига доғ туширадиган маълумотни оммавий ахборот воситасида тарқатиши натижасида етказилган маънавий ёхуд бошқа номулк зарарни ундириш ҳақидаги талабни қўриб чиқади, дейилган.

Хулоса қилиб айтганда, шахс ҳуқуқи, унинг муҳофазаси Конституция ва ана шу асосда қабул қилинган барча ҳуқуқий ҳужжатларда бирламчи восита сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Фуқаролик демократиянинг асл мақсад ва мўлдоси ҳам ана шундан иборат.

Толибжон УМАРОВ,
Янгиер шаҳар
прокурори, адлия
маслаҳатчиси.



Халқимизда: «Бўрини оёғи, чўпонни таёғи боқадир», деган гап бор. **Файзи Низоов таёғига «суянган одам»лардан. У Баҳористон тумани «Ўзбекистон» чорвачилик ва насақчилик ҳўжалигида кўп йиллардан бери чўпонлик қилади. Қарамоғида 600 бош қўйи бор. Бу йил унинг учун омадли келди: ҳар юз бош совиқдан 100-113 тадан қўзи олд.**

Т. КАРИМОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН БУТУНЖАҲОН САЙЁҲЛИК БОЗОРИДА

17-20 ноябрь кунлари Буюк Британия пойтахтида жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатидан келган сайёҳлик фирмалари вакиллари иштирокида Бутунжаҳон сайёҳлик бозори — «World Travel Market» бўлиб ўтди.

Лондон сайёҳлик бозори ҳақиқатан ҳам халқаро туризм соҳасида Халқаро сайёҳлик ташкилоти ҳомийлигида ўтказилаётган энг катта ва обрўли тадбирлардан ҳисобланади. Лондон анжумани савияси баланглиги, ишларнинг яхши ташкил этилганлиги, реклама ва хорижий ҳамкорлар билан янги алоқалар ўрнатиш учун катта шароитлар яратилганлиги билан ажралиб туради.

1993 йилда Ўзбекистон Халқаро сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлиши билан Лондон сайёҳлик бозорида туртинчи марта иштирок этмоқда. Бу йилги Ўзбекистон делегациясини таркибида «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Тошкент «Буюк Ипак йўлида сайёҳлик» халқаро туристик ярмаркаси раҳбарияти, «Ўзинтур» ҳамда «Осиё интур бизнес» ҳиссадорлик жамиятлари, республиканинг бошқа йирик туристик ширкатлари ва меҳмонхоналари вакиллари бор эди.

Ўзбекистон ҳайъати вакиллари кўзлаган бош мақсад — хорижий ҳамкорларни туризм учун мавжуд имкониятлар ва республикага чет элик сайёҳлар оқимини кенгайтириш иши самарали бўлиди. Унинг натижасига кўра Европа, Америка, Осиё ва Африка мамлакатларининг юзлаб туристик фирмалари ва компаниялари Ўзбекистон тўғрисида сайёҳлик учун улкан имкониятлар мавжуд бўлган ва барқарор ривожланаётган мамлакат сифатида ёрқин тасаввурга эга бўлиди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА
муҳбири.
Лондон.

• ДОНЧИЛИК МУАММОЛАРИ

Ўзбек дехқонини елкасида тоғ кўтариб юрган баҳодирга ўхшатаман. Йил ўн икки ой дехқонга ором борми? Кипригида уйку сарсон йилгайди. Эл уйкуга чўмганда даладан қайтади, унинг на иш соати бор, на дам оладиған хордик кунлари.

ЮРАГИДА АРМОН ЙИҒЛАР ДЕҲҚОННИНГ...

1996 йил умидбахш, фараҳбахш келди. Қорлар ёғди. Парвардигор аямади неъматларини. Кўклар келди, қулиб, гуркираб. Ёзининг дили хушвақт бўли ойдан, қуёшдан. Аммо тарзуи қўлтигидан тушдику, дехқоннинг. Кўзларидан шашқатор ёш тўкилди, умиднинг синиқлари...

Республикада жами 1 млн 383 минг 700 гектар ер майдонига галла экилган эди. Ҳосил 2 млн 616 минг 300 тоннани ташкил этди. Режа 58 фоизга бажарилди, холос. Гарчи тиришиб меҳнат қилган бўлса-да, галладан ҳосил дурут бўлмади. Режа тўлмади. Сабабини недан қидирмоқ керак? Барча айби бир-бирига тўнкади. Баҳоналар хирмон-хирмон уюлди. Бироқ бундан ҳеч кимнинг кунли тўлмади.

1997 йил инжиқроқ келди. Баҳоначиларга яна баҳона топилди. Қийин бўлди дехқонга. Уйи бугдойга тўлмади, ёзилиб бир қулмади.

Бу йил 1 млн 496 минг 900 гектар ер майдонга уруғ қаладиб, ундан 2 млн. 875 минг тонна галла ўриб олинди. Режа 4,1 млн. тонна эди. Афсуски, марра 72 фоизга бажарилди. Республика галлакорлари ўз олдларига мақсад қилиб қўйган режани тўлдиролмадилар.

Сизми? Ҳа. Биз! — Режа нега тўлмади? — сўрадим республика кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида билгирлардан.

Улар сабабларни дoston қидилар. Оқ, деганда оғизларидан ўтлар сочилди. Чорасизликдан кўзларидан мунг қуланкаси...

— Ерга қадалган уруғнинг сифати паст эди-да, — деди биттаси.

— Бошқа сабаблар ҳам борми?

— Бор. Уруғларни кечиктирмай экиш лозим эди. Экиш кечиктирилган. Бу жараён оқилана йўлга қўйилмаган, — деди бошқа бир билгир.

Ҳосилдорликка путур етказган. Бундан ташқари, ер қондириб сугорилмаган. Техника, яъни ўриш комбайнлари ва эҳтиёт қисмлари етарли бўлмаган.

Сурхонда бўлдим. Шурчида. Бир ҳамма режасини тўлдиргани ўшанда. Ўзбекистон негата тўлдирмаслиги қизиқ. Муаммолар умумий бўлса, ташвишлар ҳам. Америка комбайнлари галлани ўраётганлигини кўрдим. Демак, ҳукуматимиз техника танқислигига чек қўйишга ҳаракат қилаётми?

Ўғитлар муаммоси аллақачон ҳал қилиниши лозим эди-ку? Бу ишга дахлдор ташкилотлар ва шахсларнинг совуққонлиги туфайли ер учун доридармон бўлган ўғитлар ўз вақтида дехқонга етказиб берилмаганимикин?

Экиш-тикишни кечиктиришда ҳўжалик раҳбарларининг айби йўқми? Ўзбек агрономининг кўзи қаерда? Ер шифокори булатуриб, касалга даво тополмаса, Ерни бегона ўтлар босиб кетса-ю, у оромини бузмаса.

Хуллас, муаммолар ичидан муаммолар чиқавериши, шубҳасиз.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

холдинг компанияси Сизларни

1997 йил 26-28 ноябрь кунлари

бўлиб ўтадиган

улгуржи савдо ярмаркасига

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Манзилли миз: 700011, Тошкент,
Абай кўчаси, 6-уй.

Телефонлар: 144-27-56, 144-15-90,
144-08-01.

АПАЛЬГИН

АНАЛЬГИН -500 мг

анальгетик ва жаранга қўриқувчи

ВОСИТО

Шаҳар дорихоналаридан сўранг

«ЎЗДОИМАХСУЛОТ»

Давлат акционерлик корпорацияси

1997 йилнинг

27-29 ноябрь кунлари

макарон ва қандолатчилик

маҳсулотлари

Республика улгуржи-савдо

ярмаркасини ўткази

ва 1998 йилга шартномалар тузади.

Ярмарканинг манзилгоҳи:
Тошкент шаҳри, Ақмал Икромов тумани,
«Подмосковная» кўчаси.

«Нон-Паста» Очк турдаги акционерлик жамияти.

Троллейбуслар: 6, 11, 12, 19, 23.

САНОАТ ВА САВДО КОРХОНАЛАРИ

РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекенгилсаноат»

уюшмаси

1997 йил 25 ноябридан 28 ноябригача

енгил саноат маҳсулотларининг

1998 йилга ҳар йиллик

сотув ярмаркасини ўткази.

Ярмаркада пахта ва шойи матоларга,

гиламларга ва чинни маҳсулотларга

шартномалар тузилади.

Ярмарка қуйидаги манзилда ўтказилади:
Тошкент шаҳри, Д. Қунаев кўчаси, 25.

Республика ассортимент ва мода маркази
(мўлжал — «Россия» меҳмонхонаси).

Телефонлар: 139-14-39, 139-10-46.

Ҳар кунинг капсуласини қабул қилар экансиз, сиз ўз терингизни мусаффо қиласиз, гўзаллик ва майинлик бахш этасиз.

БЬЮТИ ПЛЮС

Сизнинг бардам ва гўзаллигингиз.

Шаҳар дорихоналаридан сўранг

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бошқаруви жамоати Ўзбекистон Республикаси Бош вазир уринбосари — Ўзбекистон Республикаси Давлат мўнжини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Виктор Анатолийевич ЧЖЕННИНГ

Анатолий Николаевич ЧЖЕННИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия иҳдор этади.

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирламаси М. Қорнёқубов номиди академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ эрғисти Ўлжонгор Ёқубовга фирмалари

АЛИШЕР ва ЗАФАРларнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан оиласига ва яқин кишиларига чўқур таъзия билдилади.

Мирзо Улугбек номиди Тошкент давлат университети ректорати ҳамда журналистика факультети жамоати матбуот назарисини ва амалиети кафедраси доценти

Рулмон ҒАФУРОВнинг


бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг била аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардик билдирилади.

«Шайхонтоҳурлар» жамоа корхонаси «Хурмад» маъсулияти чекланган жамият раҳбари Исмоилон Абдулсаттор Абдулла ўлига оналари

ХУРИНИСО аянинг

вафоти муносабати билан чўқур таъзия иҳдор этади.

СПОРТ



Кўна Туронзамин азалдан пахлавонлар юрти. Халқимиз кураги ерга тегмаган асл ўғлонлари...

АҚШ долларини ташкил қилди. Дарҳақиқат, мамлака-

са, «Баҳор» қизлари хиром айлаганда АҚШ терма жамоаси мураббийси Паули Кингес ҳаяжонини яшира олмайди.

— Ўзбек миллий рақс санъати доврўғи ҳақида эшитганман, — дейди у биз билан суҳбатда, — лекин шундоғам гўзал қизларингизнинг ўзларидан-да чиройли тикилган миллий либосларда бунчалик мафтункор ва жозибали бўлиш-

нишонларини топширди. — Ватанимиз терма жамоаси таркибига тажрибали курашчилар билан бирга кўплаб иқтидорли, ёш спортчилар таклиф қилинган, — дейди халқаро тоифадаги ҳакам, турнирни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоси Тоҳир Фуломов, — ўйлайманки, улар юзимизни ёруғ қилади.

Шундан сўнг беллашувларга старт берилди. Унда 8 та вазн тоифасида 135 та курашчи иштирок этди. Айниқса, оғир вазндаги полвонлар кураши мухлисларга манзур бўлди. Даст-

банд этишди. Шундан сўнг эркин кураш бўйича Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги биринчи халқаро турнирининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Унда ФИЛАнинг биринчи вице-президенти Равфи Мартинетти, республика Давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир Маҳситов, Миллий олимпия қўмитаси президенти Собиржон Рузиевлар голиб ва совриндорларни юксак муваффақиятлари билан қутқадилар ҳамда кураш федерацияси, ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғаларни топширдилар.

Турнир якунланганч, терма жамоамиз устозларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Кўлдош Асрақуловни суҳбатга тортидик.

— Шогирдларингиз натижаларидан қониқдингизми?

— Мўлжалланган бир неча медалларни бой берган бўлсак ҳам, улардан норози эмасман. Чунки болаларимизда халқаро ўйинларда муносиб қатнашадиган тажриба етишмайди. Турнирни ўтказишдан асосий мақсад ҳам, ушбу йўналишда ижобий натижаларга эришиш.

Полвонлик халқимиз қонидан бор. Демак, ўзбек ўғлонлари нимага қодирлигини кўрсатадилар ва ўйлайманки, келгусида улар бемалол жаҳон спорт шоҳсупаларини забт эта оладилар.

Турнирнинг очилиш маросимида республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизқўжаев қатнашди.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: муسابақадан лавҳалар. А. РИСКИБЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ШОҲСУПАЛАР ЗАБТ ЭТИЛАЖАК



лабки босқичда галаба қозонган курашчилар финалда бир-бирига қарши тиламга тушдилар.

Бош мураббий Маъмуржон Рузиев бошчилигида мамлакатимиз терма жамоаси 3 та олтин, 1 та кумуш, 1 та бронза медални қўлга кири-

ларини кўз олдимга келтирмаганимиз. Улар мени бутунлай ром этишди.

Турнирга ФИЛАнинг биринчи вице-президенти Равфи Мартинетти, халқаро ҳакамлар уюшмаси раиси Степан Казарян бошчилигидаги делегация ҳам таширф буюрди. Маълумки, ушбу нуфузли ташкилотнинг қароргоҳи Швейцарияда кўним топган. Р. Мартинетти Ўзбекистонда курашнинг ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари учун республика кўраш ассоциацияси президенти Аҳор Рузиев ҳамда эркин кураш федерацияси президенти Салим Абдувалиевларга ФИЛАнинг олий

тимизда бундай турнирларнинг ўтказиладигани бежиз эмас, албатта. Иқтисодий, маданий-маърифий ислохотлар билан бирга республика-мизда физкультура ва спортни ривожлантиришга, ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида аҳамият берилаётир. Халқаро арена-ларда юртдошларимиз эришадиган ютуқлар, хорижий спорт сахна-ларида Ватанимиз байроғи баланд ҳилпираётгани фикримизнинг далилидир.

Мусобақалар бошланиши олдида Ўзбекистон санъат усталарининг катта концер-ти дастури намойиш этилди. Халқ суйган ҳофизлар Фаррух Зокиров, Эркин Руз-матов, таниқли раққосалар Маъмура Эргашева, Равшана Султоновалар ўзларининг юксак санъатлари билан йиғилганлар қувончи-га-қувонч қўшдилар. Айниқ-

ХОРИЖ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

«ТАРИХИЙ АФСОНАЛАРГА ИШОНИШНИ БАС ҚИЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» —

дейди «Аргументы и факты» газетасининг шу йил 47-сонида босилган мақоласида Россия Давлат гуманитар университети ректори Юрий Афанасьев.

Олим мақоласида тарихий фактларни талқин қилиш муаммолари устида сўз юритади. У муаррихлар ўтмиш воқеаларнинг бириси «яшиш», иккинчи бири «ёмон» деган ўлчов билан баҳола-масликлари, аксинча маълум бир воқеа нима учун содир бўлганлигини англишлари лозим, деб ўқиради. Россия тарихини турли афсона ва «қўшиб ўзишлар»дан тоза-лашга ундаб Ю. Афанасьев, жумладан, шундай деб ёзади: «Номини турлидан-турли Русини мўғул-татарлар истибодидан озод қилиниши билан боғла-надиган Куликов жангида рус аскарлари етакчиси ва қаҳрамони Дмитрий Донской шахси атрафида янада кўпроқ афсона яратилган. Аслида рус ерларини озод қилиш Дмитрий Донскойнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Халоскорликни унинг номига кейинчалик «қўшиб ўзишган».

Дмитрий Донской Мамай-ни «янчиб» ташлашга отланди, дейилади. Хўш, Мамай узи қим бўлган? У Урдада (Олтин Урда назарда тутилмоқда.

Ж.С.) бир-бирига қарама-қарши бўлган гуруҳлардан бирининг йўлбошчиси. Мамай Чингизхон авлодига мансуб бўлмаган, шу боис уни ҳокимиятни зўриқ билан эгаллашда айблашган. Дмитрий Донской Мамайга жиноятчи ва тахтни ноқонуний эгаллаган кимса сифатида ҳужум бошлайди... Маълумки, Куликово жангидан сўнг ҳам руслар яна 100 йил мўғул-татарларга хирож тўлашган...»

«Россия тарихида урушларга, ҳатто инобатан қисқа давр ҳам бўлмаган. Босиб олинган ёки ҳимоя қилинган. Босиб олинган худудларни қандай қилиб обод қилини ҳеч қачон ўйлаш-маган, фақат янада кўпроқ ерларни босиб олиш қайғуси билан ашашган».

Олимнинг ушбу фикри изоҳга муҳтож эмас. Жалолиддин САФОЕВ тайёрлади.

ДУНИ ДАРАЖАЛАРИ

ДАВВО АСОССИЗ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Россия ҳукуматининг собиқ раҳбарларидан бири Егор Гайдар айна пайтдаги Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Анатолий Чубайс истеъфого жўнатилса, Ғарб сармоя-дорлари Россияни тарк этади, қимматли қоғозлар бозорида эса танглик пайдо бўлади, деб баёнот берган эди. Кейинги воқеалар шунини кўрсатдики, А. Чубайс молия вазири вазифасидан озод қилингандан сўнг Россия фонд биржаларида акциялар баҳосида деярли ўзгариш бўлмаган. Ғарб инвесторлари ҳам Россияни тарк этиш ниятида эмасликларини билдиришди. Россия оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, Е. Гайдарнинг даъволари асоссиз бўлиб чиқди.

САБАБЛАРИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Яқинда Мисрда террорчилар хуружи туфайли кўплаб хорижий сайёҳлар ҳалок бўлишганди. Германиядан чиқадиган «Эюдлойче пайтунг» газетаси кейинги пайтда Мисрда не сабабдан террорчилар фаолияти кучайиб бораётганини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни билдириди. Биринчидан, таълим тизими ўткир тангликка дучор бўлганлиги туфайли аҳолининг саводхонлик даражаси пасайиб кетмоқда. Иккинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам жилдий муаммолар мавжуд. Ушбу муаммолардан экстремистлар усталик билан фойдалан-моқдалар. Террорчиларнинг нияти эса мамлакатни сайёҳлик туфайли топаётган жуда катта даромадидан маҳрум қилишдир. Бу эса муаммоларини янада кескинлаштириб, аҳоли ўртасида норозилик уйғотиши мумкин. Террорчилар ана шу нарсага умид қилиш-моқда.

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.



ТЕХАСО

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЮЛДУЗ

ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ АВТОМОБИЛЬ МОЙЛАРИ

Advertisement for Texasaco motor oil, including contact information for the head editor, printer, and distributor, as well as a list of addresses and phone numbers.